ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРНИ ВА РОЛИНИНГ КУЧАЙИШИ

Республика илмий-амалий конференцияси
2017 йил 22 апрель



УСИЛЕНИЕ РОЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В РЕГИОНАЛЬНЫХ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССАХ

Республиканская научно-практическая конференция
22 апреля 2017 года

Тошкент 2017

2014 йилда Корея Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми 1410,4 АҚШ млрд. долларни ташкил этди ва 2013 йилга нисбатан 8 фоизга, 2006 йилга нисбатан эса 1.4 мартага ўсди. Айни вақтда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 2014 йилда 33629 АҚШ долларга тенг бўлди.[71]

Корея Республикаси ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 1995 йилда 55.8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 59.4 фоизни ташкил этди.

Жами банд аҳолининг 71,1 фоизи хизмат кўрсатиш ҳиссасига тўғри келди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Корея Республикаси статистикасида саноат ва қишлоқ хўжалигидан бошқа барча тармоқлар хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Корея Республикаси иқтисодиётининг тармоқ таркиби динамикаси

Кўрсаткичлар	2000		2014	
	млрд. АҚШ доллари	%	млрд. АҚШ доллари	%
Ялпи ички маҳсулот	561,6	100	1410,4	100
Қишлоқ хўжалиги	22,5	4	32,4	2,3
Саноат	219,	39	540,2	38,3
Хизмат кўрсатиш	320,1	57	837,8	59,4

Манба:http://www.investopedia.com/articles/investing/091115/emerging-markets-analyzing-south-koreas-gdp.asp (WDI World Bank)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Корея республикаси тармоқ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси юқори улушга эга.

Жанубий Кореянинг хизматлар экспортида транспорт ва қурилиш соҳаси, ахборот ва коммуникация технологияларининг улуши юқори ўринни эгаллаб келмоқда ва 29.7 фоизни ташкил этган.[72]

Транспорт тизими мамлакат инфратузилмасининг энг муҳим ташкил этувчиси, бутун иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатишининг энг муҳим шартларидан бири бўлибгина қолмай, минтақалар иқтисодий ривожланиш нисбатларининг шаклланишига ҳам фаол таъсир этади.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида транспорт соҳаси иқтисодиётнинг турли тармоқларининг юк ва аҳолини ташиш бўйича эҳтиёжларини қондиради. Транспортнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига салмоқли таъсир этувчи омил сифатидаги аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- ҳудудий омил, алоқаларнинг тез ва сифатли юз бериши минтақаларда ижтимоий-иқтисодий тузилмаларнинг шаклланишини жадаллаштиради;
- вақт омили, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларнинг тезлиги транспорт тизими ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади;
- бирлаштирувчилик омили, транспорт тизими иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тизимларини бирлаштирувчи тизим сифатида намоён бўлади.

---

[71] The Global Economy com. The World Bank

[72] http: // www. Trading economics.com/south-korea/gdp

• экологик омил, транспортнинг экологик таъсирини икки томонлама баҳолаш мумкин. Биринчидан, транспорт экологияни ифлослантиради, иккинчи томондан, унинг бундай таъсирини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар инноватсияларни ишлаб чиқаришга жорий этилишига олиб келади.

ГЕРМАНИЯ ИҚТИСОДИЁТИДА ВЕНЧУР ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллажонов Н.А., магистрант (ТИУ)

Венчур капитал – тадбиркорлик муваффақиятларининг пойдевори. 2015 йил ўрталарида Google, Facebook ва Amazon акцияларининг нархлари қимматлашди. DAX биржасида ҳам 8 баробаргача ошгани кузатилган эди. АҚШ концернларининг бундай йирик бозор мувффақиятларига эришишни ва тез суръатда ўсишини венчур капиталсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу турдаги молиялаштириш манбалари АҚШдаги динамик Start-up-компанияларининг ишлаб чиқариш меъёрлари ва стандартлари комитетига (DNA) тегишлидир.

Германияни ўзида венчур капитали етишмовчилигини бошдан кечирмоқда. Айниқса, капитал сиғимли қайта молиялаштиришдаги венчур капиталга таклифнинг етишмаслиги яққол кузатилди. Бу шундан далолат беради, корхоналарнинг муваффақиятли ташкил этилганлигидан сўнг ривожланиш ва инновацион имкониятлар охирига етмай қолди. Бу эса Германия рақобатбардошлилиги жиҳатидан кучсизланишига олиб келди ва ривожланишига хавф туғдирди.

Венчур капитал фондлари ёш тадбиркорларнинг янгидан-янги ғояларининг, инновацион лойиҳаларининг энг муҳим бўлган асосий бўғинларига инвестиция киритиш билан шуғулланади. Венчур инвестор киритган капиталини қоплаш орқали ҳамкорлар билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд.

Германия қуйидаги омилларни молиялаштириладиган фаолиятларнинг танлашларида венчур инвестиция билан шуғулланувчилар учун муҳим ҳисоблайди:

- ўзига хос ва инновацион бизнес ғоялар;
- истиқболли ва ўсувчи бозор;
- истеъмол нафлилиги (истеъмолчи учун нафлилиги ва унинг даромадлилиги);
- коллектив: венчур компаниялари бизнесга эмас, одамларга сарфлайдилар.

Für-Gründer.de сайти мутахассислари венчур компанияларининг турлари бўйича қуйидагиларга ажратиб олишди:

Классик венчур компаниялари: венчур капитал киритувчиларнинг аксарияти фонднинг менежерлари ёки ишончли вакил сифатида венчур компанияларда фаолият юритадилар. Бунда венчур компания махсус инвестициялар билан венчур капитал фондни ташкил қилади. Бу фонд

инвесторлик қила оладиган шахсни топиши керак. Компания йиғилган маблағни тўғри сарфлаш стратегиясига хос фаолиятга инвестиция киритади.

Қўллаб-қувватловчи банкларнинг венчур капитали: ёш тадбиркорларни бошланғич фаолиятларини рағбатлантиради. Германиянинг ҳар бир бундесландида махсус технологияларга мўлжалланган фаолиятларни венчур компаниялар орқали молиялаштиради.

Юқори технология таъсисчи фондлар: бу венчур капиталнинг муҳим шаклларидан бири бўлиб, технологияга мўлжалланган фаолиятларни юқори рискли капитал билан таъминлайди.

Германия Хусусий капитал ва Венчур Капитал Ассоциацияси (BVK) 1989 йил январь ойида Берлинда ташкил топган бўлиб, у ўзида 300 нафар атрофида аъзони ўзида бирлаштиради, шундан 200 нафардан ортиқ акциядорлик жамиятларидан иборат.[73] BVKнинг бош мақсади Германияда энг яхши инвестицион муҳитларни яратиб беришдир. Буларги қуйидагилар киради:[74]

✓ Германияда инвестиция киритишда дуч келадиган ижтимоий-ҳуқуқий ва солиққа оид камчиликларни бартараф қилиш;

✓ капитал излаётганлар учун уни топишда кўмаклашиш;

✓ бозорни кузатиш, бозор ривожланишини таҳлил қилиш;

✓ аъзолари ўртасида малакаларининг алмашишларини қўллаб-қувватлаш;

✓ Германиядаги акциядорлик жамиятлари тўғрисида матбуотларда нашр қилиш.

BVKнинг асосий вазифалари:

• инвестицион компанияларнинг фаол бўлишлари учун ошкора равишда тушунтириш ишларини олиб бориш;

• ўз вазифаларининг ижро этишда компания аъзоларини ҳимоя қилиш;

• институтлар ва жамиятлар билан миллий ва халқаро даражада ўзаро бирга ишлаш.

Мамлакатимизда ҳам венчур инвестициялар учун муҳим шарт-шароитларни яхшилаш борасида амалга оширадиган ишларни қуйидагича белгилаб олинса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман:

биринчидан, янги ташкил этилган компанияларда инвестицион жараёнларнинг жозибадорлигини ошириш; инвесторлар учун мавжуд чораларга мувофиқ тарзда умумий шароитларни яхшилаш; улар ёш ва шиддат билан ўсиб келаётган компанияларни юқори технология соҳаларида фаолият олиб боришлари учун керакли маблағлар билан қўллаб-қувватлаш;

Иккинчидан, мамлакатда венчур фондларни ташкил қилиш ва венчур инвестициялар учун ҳуқуқий ва солиқ имтиёзларини яратиш;

учинчидан, мамлакатни венчур инвестициялари учун халқаро йирик инвестиция маконларига айлантириш ва бунинг учун молиялаштириш

---

[73] http://www.bvkap.de/privateequity.php/cat/3/aid/11/title/Bundesverband_Deutscher_Kapitalbeteiligungsgesellschaften_(BVK)

[74] http://www.bvkap.de/privateequity.php/cat/17/aid/10/title/Aufgaben_und_Ziele_des_BVK

имкониятларига боғлик бўлган мустакил тартибга солиш механизмини ишлаб чикиш.

O‘ZBEKISTONDA ERKIN IQTISODIY ZONALAR TASHKIL ETISHNING ISTIQBOLLARI VA UNDA XORIJ TAJRIBASIDAN FOYDALANISHNING O‘RNI

Абдурасулов Б.Б., магистрант (ТИУ)

Jahon standartlariga javob beradigan va dunyo bozorlarida talab qilinadigan mahsulot ishlab chiqarish uchun xorijiy investisiyalarni, birinchi galda, to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb etish bo‘yicha qulay shart–sharoitlar yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi vaqtda mazkur vazifalarni amalga oshirishda erkin iqtisodiy hududlar yetakchi o‘ringa ega.

Shu boisdan bugungi kunda dunyoning aksariyat davlatlari, xususan Xitoy, AQSH, Fransiya, Koreya Respublikasi, Meksika, Vengriya, Bolgariya kabi mamlakatlarda hududning geografik va boshqa qulayliklaridan kelib chiqqan holda, maxsus iqtisodiy hududlarni (MIH) tashkil etish an`anaga aylangan. Birgina o‘tgan asrning 90-yillar o‘rtalarida dunyoda 1200 ga yaqin maxsus iqtisodiy hududlarning har xil turlari, jumladan, eksportga mo‘ljallangan 300 dan ortiq ishlab chiqarish hamda 400 ga yaqin erkin ilmiy texnikaviy hududlar faoliyat ko‘rsatgan. Chunki bunday hududlarni tashkil etishdan asosiy maqsad mintaqani jadal ijtimoi-iqtisodiy rivojlantirish uchun mamlakat va chet el kapitalini, istiqbolli texnologiya hamda boshqaruv tajribasini jalb etish orqali uning sanoat salohiyatini, ishlab chiqarish, transport-tranzit va ijtimoiy sohani rivojlantirish barobarida, zamonaviy bozor infratuzilmalarini tashkil etishdan iboratdir.

Erkin iqtisodiy hududlar eksportga yo‘naltirilgan strategiyaning muhim tashkiliy qismlaridan biri hisoblanadi. Ular mahalliy va xorijiy kapitalni jalb qilish uchun, eksportni kengaytirish, valyuta daromadini o‘stirish, yangi texnologiyalarni qo‘llash imkoniyatini yaratish, to‘lov balansi holatini yaxshilash va umuman milliy itisodiyotni rivojlantirish va uni jahon iqtisodiyotiga samarali integratsiyalash uchun yaratiladi. Erkin iqtisodiy hududlar hozirga kelib to‘xtovsiz rivojlanmoqda. Rivojlanish oddiydan murakkabga, arzon va tez sotiladigan variantdan ko‘p tarmoqli va kapital talab qiluvchiga o‘tib bormoqda. Zamonaviy jahon tajribasida 25 ga yaqin erkin iqtisodiy hududlarning turlari mavjud bo‘lib, ulardan ko‘p ulushga ega bo‘lganlar bu bojxona hududlari, to‘lovlar olib tashlangan hududlar, bojxona erkin hududlari, erkin eksport hududlari, erkin eksportga mo‘ljallangan ishlab chiqarish hududlari, erkin ishlab chiqarish hududlari, iqtisodiy barqarorlik hududlari, o‘zaro tadbirkorlikhududlari, texnika-iqtisodiy rivoljantirish hududlari, fan-sanoat parklari va boshqalar iqtisodiyotda muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda.

O‘zbekistonda ham iqtisodiyotni yuqori darajada rivojlantirish maqsadida mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalar tashkil etish va ular faoliyatiga doir munosabatlar esa 1996 yil 25 aprelda qabul qilingan “Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni bilan tartibga solinuvchi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008 yil 2 dekabrdagi “Navoiy viloyatida

МУНДАРИЖА

Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион жараёнлар тенденциялари ва муаммолари..... 3
Тўхлиев Н. Ўзбекистоннинг минтақавий интеграцион жараёнлардаги салоҳияти ўсишининг асосий омиллари..... 9
Расулов Т.С. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятлари..... 17
Аъзам С.Э. Основные тенденции развития внутрирегиональной торговли Узбекистана со странами Центральной Азии..... 20

1-СЕКЦИЯ: МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ВА НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Alimov A.M. Jahon xo'jaligi globallashuvining yangi bosqichida O'zbekistonning mintaqaviy integratsiya jarayonlarida ishtirokininig ustuvor yo'nalishlari..... 26
Sodikov Z.R. Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning konseptual jihatlari..... 28
G'ulomova G.P. Milliy iqtisodiyotlar integratsiyalashuvining o'ziga xos jihatlari..... 30
Мажидов Н.М. Интеграцион жараёнларнинг моделлари ва ривожланиш тенденциялари..... 32
Sodikov Z.R., Botirova N.Sh. Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning o'ziga xos ko'rsatkichlari..... 35
Iskandarov Sh. O. Mintaqaviy integratsion tashkilotlar rivojlanishning o'ziga xos xususiyatlari..... 37
Sodikova R.A. Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning o'ziga xos xususiyatlari..... 40
Қуролов Қ. Миллий олий таълим тизимининг минтақавий мавқеини ошириш имкониятлари..... 42
Botirova N.Sh. Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning o'ziga xos mohiyati..... 45
Habibullayev I.H. O'zbekiston tashqi iqtisodiy faoliyatining rivojlanishi..... 47
Imomova N.A., Raimboyeva M.D. Jahon xo'jalik aloqalarini rivojlantirishda integratsiyaning o'rni va roli..... 49
Холматов Н.Б., Махатов С.И. Глобал янги технологиялар ва ахборотлар маконидаги интеграциялашувнинг замонавий хусусиятлари..... 52
Kurbanova M.N. Milliy innovatsion tizim jarayonini tatqiq etish metodikasi..... 55
Хакимов Б.Ж., Алимов Б.Б. Кичик корхоналар хорижий валюта маблағлари ҳаракатининг иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш..... 58
Ёркулов Ҳ.О. Глобаллашув жараёнларининг миллий интеллектуал салоҳиятни ривожланишига таъсири..... 61

2-СЕКЦИЯ: МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИОН УЮШМАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Холматов Н.Б. Туркиянинг минтақавий интеграциялашувга йўналтирилган саноат стратегияси 64
Хусанов Ч.Қ. Халқаро туризм Ўзбекистоннинг минтақавий интеграцион жараёнлардаги иштирокининг муҳим омили сифатида..... 68

Салихова А.М. Роль союза арабского магриба в экономической интеграции региона..... 71
Имомова Н.А., Кулманов Т.А. O‘zbekistonning integratsion jarayonlarda qatnashishining o‘ziga xos xususiyatlari..... 74
Choriyev O’.H. Mintaqaviy integratsion jarayonlar chuqurlashuvi sharoitida Yaponiyada xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning ustuvor yo’nalishlari..... 76
Ходжаева К.А. Глобализация научно-технологического развития..... 78
Tashtayev Sh.J. Xalqaro turizmni rivojlantirishda sportning o’rni..... 81
Xayitboyev Sh.X. O'zbekistonning mintaqaviy integratsion jarayonlardagi ishtiroki va uning mamlakat iqtisodiyoti uchun ahamiyati..... 83
Битўраев Ў., Абдураимов Қ. Глобаллашув ва минтақавийлашув жараёнларининг қиёсий таҳлили..... 86
Abdusamatov A. Jahon xo’jaligi globallashuvi sharoitida TMKlar strategiyasining o’ziga xos xususiyatlari..... 90
Мирзаев М.М. Японияда давлат иқтисодий сиёсатининг айрим устувор йўналишлари..... 92
Халиков Ф. Ўзбекистон-Туркия муносабатлари ривожланишидаги янги тенденциялар..... 97
Закиржанова Ф.Й. Особенности современного мирового рынка цветных металлов..... 101
Махатов С.И. Некоторые аспекты ценообразования на рынке цветных металлов в условиях глобализации..... 103

3-СЕКЦИЯ: МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИОН УЮШМАЛАР РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА МУАММОЛАР

Камилова М.Х. Состояние региональной экономической интеграции..... 107
Кононенко С.Н., Камалова Н. Особенности социальной защиты населения в странах ССАГПЗ..... 111
Хусанов Ч.Қ., Файзиева А.А. Минтақавий интеграциялашув шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг Жанубий Корея иқтисодиётида тутган ўрни ва роли..... 113
Абдуллажонов Н.А. Германия иқтисодиётида венчур инвестицияларни молиялаштириш хусусиятлари..... 115
Абдурасулов Б.Б. O‘zbekistonda erkin iqtisodiy zonalar tashkil etishning istiqbollari va unda xorij tajribasidan foydalanishning o‘rni..... 117
Axmedov D.A. “Jabal-ali” erkin iqtisodiy zonasining o’ziga xos tashkiliy-huquqiy faoliyat jihatlari..... 118
Sharipov A. Sh. Turkiya Respublikasida etatizmdan erkin jamiyatga o`tishga bo`lgan intilishlar..... 120
Xo‘jayev B.M. Rivojlanayotgan mamlakatlarda erkin iqtisodiy zonalarninig o‘ziga xos jihatlari va ularni O‘zbekistonda rivojlantirish omillari..... 123
Davlatyarov A.T. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida Yaponiya soliq imtiyozlari tajribasi..... 125
Салаев Д.С., Исомиддинов М. Ҳозирги босқичда Эрон Ислом Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг омиллари..... 126